



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
23 июнь
ЧОРШАНБА
№ 49
(12.269)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкент вилоятида "Атроф-муҳит ва чорвачилик: замонавий энергия тежовчи технологиялар" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда аграр тармоқда амалга оширилган кенг қамровли ишловлар самарасида чорвачилик изчил ривожланмоқда. Бу эса қорамоллар сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш кўпайтириш, зооветеринария ҳамда наслчилик бўйича сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш имконини бермоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастурий амал бўлаётди.

Чорва моллари зотини янада яхшилаш, наслчилик хўжаликлари ва зооветеринария пунктларини юқори маҳсулдор уруғлар билан таъминлаш, фермер хўжаликлари жаҳон тажрибаси, кишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар билан таништириш мақсадида халқаро ташкилотлар билан кенг микдосда ҳамкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги "Ўзбекистонда чорвачилик соҳасининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси ана шундай амалий ишлардандир.

Лойиҳа доирасида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида "Юлдуз", "Абулқосим ўғиллари", "Хўжақент", Куйичирчиқ туманида "Азия милк", "Жамол" фермер хўжаликлари танаб олинган. Уларнинг инфратузилмаси бир-биридан фарқ қилади, қорамоллар сони ҳам ҳар хил. Бундай танловдан мақсад фермер хўжаликларида менежментни ривожлантириш борасида тавсиялар беришдир. Татбиқ этилаётган инновацион тажрибалар самарасида уларнинг ҳаммаси муайян натижага эришмоқда.

— Икки йилдан буён мазкур лойиҳа доирасида ҳамкорлик қилишимиз, — дейди "Жамол" фермер хўжалиги раҳбари А. Турсунов. — Экиш учун уруғларни тайёрлаш, чорвабоп экинларни ўз вақтида экиш, парваришлаш, йиғиштириб олиш ҳамда чорвани озиклантириш борасида қўшимча тажриба ортирдиқ. Натижада ҳар бир ситириниғ сут маҳсулдорлиги ўртача 3,5 литрдан ошди. Айни вақтда аҳолига ва бошқа фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш мақсадида сунъий уруғлантириш шохобчаси, ветеринария хизмати ташкил этилди.

Кўргазмалар семинарда озуқа экинлари етиштиришда тулроққа ишлов бериш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш хисобига кишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, чорвачилик чиқитларини қайта ишлаш ва ундан органик ўғит ишлаб чиқаришга оид маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
Ўза мухбири.

КИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



ТЕШАБОЙ ФЕРМЕРНИНГ ҒЎЗАСИ КЎСАКЛАДИ

Истиқлол — Ўртачирчиқ туманидаги энг катта кишлоқ. 13 та маҳаллада 17,5 минг аҳоли яшайди. 39 та майда-йирик фермер хўжалиги пахта, галла, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Асосий дала ишлари нафақат хўжалик аъзолари, балки бутун аҳолининг бевосита иштирокида бажарилади десак, муболаға бўлмайди. Зеро, фермерлар айрим мавсумий агротехник тадбирларни ўтказишда маҳаллий аҳоли ёрдамига таянишади.

Кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шерпўлат Эрматов ҳам кўп вақтини фермерлар билан маслаҳатлашиб иш юритишга сарфлайди.

"Мирзакаримов Тешабой ота" шу ҳудуддаги энг йирик фермер хўжаликларидадан бири. Экин майдони 145,6 гектар. Шундан 74,9 гектари галла. Туман бўйича тузилган

жадвалга мувофиқ бугун ўрим-йиғим отряди етиб келиб, иш бошлади. Фермернинг галига қараганда, бу йил галланинг чўғи янада салмоқли, ҳосилдорлик 60 центнердан кам бўлмайди.

— Ғўзанинг авжи бунданам зўр, — дейди кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш. Эрматов. — Чигитни экиш, яғана, бего-

на ўтлардан тозалаш, ўғитлаш, хуллас, ўтказилган ҳар бир агротехник тадбирнинг бевосита гувоҳи бўлдим. Экинга қандай қарасангиз, шундай ҳосил оласиз. Ҳозир ғўзанинг авжи туманда энг олди, деб бемалол айтиш мумкин. Ёппа гулга кирган. Ҳатто, илк кўсақларни ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик.

— Шундай бўлиши ҳам керак-да, — дейди фермер Тешабой Мирзакаримов. — Биз уруғлик пахта етиштирамиз.

СУРАТДА: фермер Т. Мирзакаримов (чапда) ва кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш. Эрматов илк кўсақларни санашмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтидида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган ўлчаш асбоблари ҳамда инженерлик лойиҳалаш ишларида замонавий компьютер дастуридан фойдаланиш ўқув курси битирувчиларига диплом топирилиди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ БОЙЛИГИ

Кишлоқ хўжалигида халқаро молиявий институтлар, донор мамлакатларнинг грант маблағларидан фойдаланиш мумкин аҳамиятга эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасига грантлик бегараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мумкин омили бўлаётди.

Халқаро грант доирасида ташкил этилган беш ойлик ўқув курсида электр ўлчаш, энергетика ва бошқарув факультетининг 20 нафар талаба, магистр ва аспиранти рақамли ўлчаш техникасини такомиллаштириш, унинг имкониятларини янада бойитиш борасида ўз билим ва малакасини оширди. Ўқув курси якунида уларнинг олган билим ва қўникмалари профессор-ўқитувчилар томонидан яна бир бор синовдан ўтказилди.

Ўза.

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида Германия Федератив Республикаси Федерал ҳукуматининг кўчиб ўтганлар ва кам сонли миллатлар масалалари бўйича вакили, Ички ишлар вазирлигининг парламент томонидан давлат котиби, Бундестаг депутаты Кристоф Бергнер билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча миллат ва эллар вакилларининг ахил-иноқ яшаётганини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатланганини алоҳида таъкидлади.

К. Бергнер Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва эллар вакилларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, тотувлик, багрикенглик тамойилларини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда барча миллатлар вакиллари тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, — деди К. Бергнер. — Жумладан, немис миллатига мансуб аҳолига кўрсатилаётган эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятидан гоят миннатдоримиз. Байналмилал маданият маркази ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ва дўстлик ришталарини мустақамлашга хизмат

қилмоқда. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам барча соҳаларда тараққий этаверишига ишонамиз.

— Ўзбекистонда туғилиб, шу ғўзал диёрда яшаётганимдан жуда бахтиёрман, — дейди немис маданият маркази Фаргона вилояти бўлими бадий раҳбари Вера Клейн. — Фаргона педагогика институтини тамомлаб, қарийб қирқ йил давомида мактабда ишладим. Ватанимиз — Ўзбекистонда ўтадиган барча байрамларда марказимиз жамоаси билан мунтазам иштирок этиб, ўз санъатимизни намойиш этиб келамиз.

Ирода УМАРОВА,
Ўза мухбири.

БУГУННИНГ ГАПИ

Оҳангарон туманида галла ҳосилини барвақт ва нест-нобуд қилмай, ўриб-яңчиб олиш мақсадида 10 та ўрим-йиғим отряди тузилган бўлиб, 25 та комбайн, юк ташув машиналари узлуксиз ишламоқда.

ДАЛАДАН ОМБОРГА

Шартномага кўра туман галлакорлари давлатга 23,684 тонна дон топиришлари лозим.

Яқинда "Тараққиёт" фермер хўжалигида туман галлакорларининг семинари ўтказилди. Унда галла ҳосилини қисқа муддатда ўриб-яңчиб олиш вазифалари ҳақида сўз юритилди.

Семинар қатнашчилари кишлоқ хўжалик техникалари юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Ирода МАКСУД қизи.

МАЪНАВИЯТ

ШУ ҲАМ САНЪАТМИ?

Газетанинг шу йил 2 июнь сониди берилган "Ийгирма бир ёшли "санъаткор"лар" мақоласини ўқиб, муаллифнинг кўп мулоҳазаларига қўшилгим келди.

Ёш санъаткорларни мактаб, телевидение, радиода эртаю кеч қўшиқларини "айлантирадиган"лар, журналист илган ва ёган соҳталикларни сезмасалар керак-да, деб ўйладим.

Мақолада нафақат қўшиқ, куй, балки шоирларнинг машаққатли меҳнат маҳсулини ўзлаштираётганлар, машхурилик шохсупасида ўзларини яғона билгувчи баъзи

ХИРМОН УЙИБ, БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Бугдой бошоғини қўлингизга олиб кўрганмисиз? У нафақат бободоҳқоннинг заҳматли меҳнати самараси, балки Она табиятнинг бебаҳо мўжизаси ҳамдир.

Куйичирчиқ томонларда бўлиб, айни кунларда деҳқонлар ана шу мўжизадан залворли хирмон кўтаришаётганига гувоҳ бўлдик. Далададаги қиз-йилмиш қўриб, завқимиз келди. Ҳар ким ўз ишини қилипти. Ҳаммингиз мақсади битта — етиштирилган галлани нест-нобуд қилмай, тезроқ саранжомлаб олиш.

Туман ҳокимлигида ташкил этилган галла штаби эртаю кеч гавжум. Кимдир транспорт масалалари билан шуғулланипти, кимдир ҳисобот тайёрлаш билан

овора. Яна бир мутахассис фермерларнинг савоал-рига жавоб берапти. Бошида уларни ишдан чалғитишга истиҳоло қилдик. Шу пайт туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Сунатилла Ҳайдаров газетадан келганимизни пайқайди чоғи, қандай савоални қизиқтираётганини сўради.

— Ўзингиз қўриб турганингиздек, ҳозир бир дақиқа ҳам бўш вақтимиз йўқ, — деди у. — 13 минг 687 гектарга экилган галла ҳосилини 20 иш кунда йиғиштириб олиши-

миз, эл-юрт хирмонига 32 минг 517 тонна галла топиришимиз керак. Бу ҳазилакам гапмас.

Бошлиқнинг маълумотларига қараганда, галла ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун 20 та отряд тузилган. Уларга мутасадди раҳбарлар ва маъсул мутахассислар бириктирилган. Туман бўйича 46 та комбайн ўримга жалб этилган. Шундан 26 таси "Класс", 14 таси "Кейс" ҳамда 6 таси Россия комбайнлари. 200 дан ортиқ транспорт даладада ўриб-яңчилаётган галлани қабул пунктларига ташиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

2010
йил учун

ОБУНА

ДАВОМ

ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТАСИНING

ИНДЕКСИ —

205.

ДАВОМ

ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТАСИНING

ИНДЕКСИ —

205.

(Давоми 4-бетда).

ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир сайёрамизда 275 миллион одам қандали диабет хасталигидан азият чекомда. Бунга ирсий омиллардан ташқари, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, белгиланган муддатда тиббий куридан ўтмаслик ва бирламчи касалликларни ўз вақтида даволатмаслик сабаб бўлаётир.

Пойтахтимизда «Қандли диабетни бошқариш стратегияси» мавзuida ташкил этилган конференцияда шу ҳақда сўз юритилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, эндокринолог, кардиолог, невропатолог ва умумий амалиёт шифокорлари ҳамда россиялик мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистонда аҳолига эндокринология хизмати кўрсатиш ишлари юқори савияда ташкил этилган, дейди Россия тиббиёт академиясининг эндокринология ва диабетология кафедраси мудири, профессор Александр Аметов. — Жаҳон тиббиётининг барча илгор усулларидан амалда самарали фойдаланилмоқда. Ушбу анжуман бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, тиббиёт илми эришаётган ютуқ ва тажрибаларни омаллаштириш, янги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Анжуманда эндокринология соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, қандли диабетни даволашга оид янгича ёндашулар ва замонавий препаратлардан фойдаланиш самараларига оид маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
Ў.А. МУХИРИ.

ПИЛЛА – 2010



ҲАР ҚУТИДАН 90 КИЛОГРАММ

"Пискент пилла" масъулияти чекланган жамияти бу йил фермер хўжаликлари билан 140 тонна пилла қабул қилиш юзасидан шартнома тузган.

Шу мақсадда 283 фермер хўжалигига 2650 қути Аини кунларда фермер хўжаликлари пилла топшириш шартномасини пешма-пеш бажаришпти. Деҳқон Гулматов бошлқ фермер хўжалиги 5 қутининг ҳар бирдан 90 килограммдан хом ашё териб олиб, режани ортми билан бажади.

СУРАТДА: Санобар Жўраева, Жанглиш Эргашева, Санъат Эргашевлар пиллани топширишга тайёрашяпти.

Даврон АХМАД олган сурат.

"Қамол Уматдош" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 204400087) Тошкент вилояти, Тошкент тумани ҳокимлиги томонидан берилган 2005 йил 13 ноябрдаги № 1010 гувоҳномага асосан иш фаолиятини бошлаган. Корхона манзили: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Ҳасанбой» ширкат хўжалиги, 5-тор кўча. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан текширув далолатномасига асосан иш фаолияти тўхтатилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли қарорига асосан ТМБларни сақлаб сотиш ишлари ва молиявий инқирозга учраганлиги сабабли тугатилмоқда.

ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН МАХСУС!

Ташкилот Воронежда тайёрланган 325 литр ҳажмдаги вакуумли куттер ва яхши ҳолатдаги гўштқиймалағич сотади. Куттер пичоқларининг 4 та янги жамламаси ва гўштқиймалағич учун 2 та жамлама пичоқлар тавсия этади.

Кафолат ва хизмат кўрсатиш муддати – 1 йил. Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади. Маълумот учун телефонлар: 724-70-00, 724-60-00.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат қадстри бошқармаси томонидан 2006 йил 19 декабрда "DON-NON" МЧЖга берилган 9-569/2006 реестр рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 17.06.1999 йилда № 05-012732 рақам билан рўйхатга олинган "CHIMBOY KOMMUNALCHI" уй-жой мулкдорларининг ширкатига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти томонидан 2004 йил 17 мартда "NON CELL" МЧЖга берилган № 000322 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БАНК ҲАҚИДА:

"Invest Finance Bank" хусусий очик акционер тижорат банки ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 22.11.2008 йилдаги 75-сонли лицензияси асосида амалга оширади.

Банк ташкил топонидан буён, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқимизга замонавий банк хизматларини тақлиф этиш ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўйишнинг мақсад қилиб келган ҳолда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

ХОАТБ InfinBANK ОМОНАТЛАРИ

ХОАТБ InfinBANK халқимизга турли хилдаги ва юқори даражада фойдали омонат турларини тақлиф этади.

Банкда омонат ҳисоб рақамини очиш учун қуйидагилар лозим бўлади:

- Б «Invest Finance Bank» ХОАТБ нинг исталган филиалига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан муҳожаат этиш;
- Б Учинчи шахс учун омонат ҳисоб рақамини очиш учун нотариал идораси тарафидан тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши лозим;
- э Керак бўлган омонат турини танлаш;
- э Банк омонати шартномаси шартлари билан танишиб чиқиш, шартнома, имзолар намунаси ҳамда касса кириш ордеридаги маълумотларни текшириб олиш;
- о Шартномаларга (2 нусхада), касса кириш ордери ва имзолар намунасига имзо қўйиш;
- р Кассага пул маблағини топшириш
- р Шартноманинг бир нусхасини ва омонат дафтарчасини қабул қилиб олиш.

«Invest Finance Bank» ХОАТБ ўз миқдорларига омонатларнинг қайтарилиши ва фойдаларнинг тўланишини кафолатлайди.

«Invest Finance Bank» ХОАТБнинг ҳамма омонатлари «Аҳоли омонатларини кафолатлаш фонди» тарафидан сугурталанган.

Миллий валютадаги мuddатли омонатлар

Омонат тури	Омонат миқдори	% ставка	Омонат мuddати	Омонат пул-ларини қўйиш	Тўлов тартиби %
Infin - Комфорт	Чекланмаган	24% йиллик	12 ой	Нақд пул шаклида	Омонат мuddати тугагандан сўнг
Infin - Таътил	Чекланмаган	22% йиллик	6 ой	Нақд пул шаклида	Омонат мuddати тугагандан сўнг

Хорижий валютадаги мuddатли омонатлар (АҚШ доллари).

Infin - Баркамол авлод	Чекланмаган	14% йиллик	3,6,9,12 ой	Нақд пул шаклида	Сўмда, ЎЗР Марказий банкнинг курси бўйича олдиндан бунак шаклида
------------------------	-------------	------------	-------------	------------------	--

ХОАТБ InfinBANK КРЕДИТЛАРИ

«Invest Finance Bank» ХОАТБ юридик ва жисмоний шахслар ҳамда хусусий тадбиркорларга турли хилдаги кредит маблағларини ажратади.

Бундан ташқари, Банк томонидан «Баркамол авлод йили» дастури бўйича кичик ва ўрта бизнесга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, микрокредит ҳамда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган кредит турлари мавжуд. Кредит таъминоти сифатида кўчмас мулк, автоуловлар ва молиявий барқарор ташкилотлар қафиллиги қабул қилинади. Кредит бўйича тақдим этилган ҳужжатлар банк тарафидан 5 банк кўни давомида қўриб чиқилиб, қарор чиқарилади.

Кредит турлари	Муддати	Йиллик % ставка	Кредит таъминоти
Юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга			
Чакана савдога	3 ойгача	22-24%	Кредит микдорининг 125%
Айланма маблағларини қўпайтиришга (улгуржи савдо,хом-ашё ва х.к. сотиб олиш учун)	1 йилгача		
Асосий маблағларини шакллантириш учун (бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш ускуналари ва х.к. сотиб олиш учун)	3 йилгача		
Жисмоний шахсларига			
Истъемол кредитлари (халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган мебель, маиший техника ва х.к. сотиб олиш учун)	3 йилгача	22-24%	Кредит микдорининг 125%

ХОАТБ InfinBANKнинг манзиллари ва телефон рақамлари:

Бош офис: 100011 Тошкент ш. Навоий кў. 186. Тел: (+99871) 140-50-50. Факс: (+99871) 140-50-70.

Тошкент вилояти филиали: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кў. 7. Тел: (+99871) 150-66-98. Факс: (+99871) 150-66-90.

Сегрели филиали: Тошкент ш. Сергели тумани А.Ахматова 3-қўчаси. Тел: (+99871) 215-29-09. Факс: (+99871) 215-29-10.



ИНСПЕКТОРЛАР ЭРОНГА КИРИТИЛМАЙДИ

Эрон ҳукумати Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбарларига ташкилотнинг икки нафар инспекторининг мамлакатга кириши ва вазифасини бажаришига йўл қўймаслигини маълум қилди.

Эрон Атом энергияси ташкилоти раҳбари Али Акбар Солихийнинг гапига қараганда, бундай чора қўланишига сабаб шуки, инспекторлар бир неча марта қойда бўзишган. Жумладан, уларнинг махфий маълумотларни эълон қилишга расмий рухсат олмай ошкор этганликлари ҳамда текшириш натижалари бўйича тўғри хисобот берганликлари фовш этилган. АФР агентлиги Эрон ҳукумати бу икки инспекторнинг исм-шарифларини МАГАТЭга маълум қилганлиги ҳақида хабар тарқатди.

Ғарб мамлакатлари Эроннинг ядро қуролини яратиш билан яширинча шуғулланаётганидан хавотирда эканликларини хисобга олиб, Эрон ядро объектларини текширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Музокара тарафдори бўлган олти мамлакат Эрон билан ядро дастури бўйича тадқиқотларни тўхтатиш ҳақида келишишга интилмоқда. Бироқ, Эрон ядро дастури тинч мақсадларга қаратилганини таъкидлаб, тадқиқотларни давом эттирмоқда.

ҲАЛОКАТЛАРНИНГ ОХИРИ ЙЎҚЕК

Хитойдаги кўмир қониди 21 июнь кўни юз берган портлаш оқибатида 46 киши ҳаётдан бевақ кўз юмди. АФР агентлиги маҳаллий оммавий ахборот воситаларига таъиниб, шу ҳақда хабар тарқатди.

Хенан вилоятидаги шахталардан бирига туташ ер ости омборида портлаш юз берган чоғда қонда 72 шахтёр бор эди. Улардан олти нафари қамалдан мустақил ҳаракат билан қутулиб қолди. Яна 20 киши уюмларни тозалаш пайтида қутқариб олинди.

Нима учундир бу йил Хитой шахталарида авария кўпайиб кетди. Расмий маълумотга қараганда, йилнинг ўтган даврида авариялар оқибатида жами 2631 киши ҳалок бўлди. Сўнгги марта энг йирик қутқарув операцияси 28 мартдан 5 апрелгача давом этганди. Ушунда 153 кишидан 115 нафарини қутқаришга эришилганди.

Афтидан, шахтёрлар ўлими билан боғлиқ рақамлар нотўғрига ўхшайди. Хуосан, қасаба ташкилотлари Хитой ҳукумати қурбонлар сонини атайлаб қамайтириб кўрсатётганини таъкидламоқда. Бундан мақсад шахталар ёпиб қўйилишининг олдини олишдир.

ҚЎРҚАНГА ҚЎШ ҚЎРИНАР

Жанубий Корея армияси кўмондонлиги ҳавода олисдан парашютларни эслатувчи шуҳадли шарпаларни қўриб, ваҳима кўтарди.

BBC News агентлиги тарқатган хабарга қараганда, кейинчалик маълум бўлишича, ҳаводаги номаълум жисмлар бир гуруҳ мактаб болалари гелий гази билан тўлдириб, учириб юборган ҳаво шарпалар экан. Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, бу кейинги бир ой ичиддаги иккинчи таҳликали вазият. Утган сафар оролардан бирига яқин жойда портлаш юз бериб, қирғоқда даввас кийими топилганда ҳарбийлар оёққа турғазилган эди.

Мамлакат қуролли қучла-

ҲАЗО ҚАМАЛИ БИРОЗ ЮМШАЙДИГАН БЎЛДИ

Ниҳоят Исроил ҳукумати Ҳазо сектори қамалини юмшатиши тўғрисида расмий баёнот эълон қилди. The Jerusalem Post хабарига кўра, яқин кунларда Ҳазо секторига олиб кириш тақиқланган нарсалар рўйхати босиб чиқарилади.

Маълум қилишларича, тақиқланган буюмлар рўйхатига фақат қурол-аслаҳа, уларни тайёрлашда фойдаланиладиган воситалар, шунингдек, икки хил мақсад, яъни ҳам фуқаролик, ҳам ҳарбий мақсадларда ишлатиладиган нарсалар киритилди.

Бундан ташқари Исроил Ҳазо секторига кириш ва чиқиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш имкониятларини ҳам кўриб чиқмоқда. Шу билан бир вақтда Ҳазонинг денгиз қамали ўзгармай қолиши, бу ерга келаётган кемалар Ашдод портида, албатта, текширувдан ўтказилиши таъкидланмоқда.

ФРАНЦУЗЛАР ХИТОЙЛИКЛАРНИ КАМСИТИШЯПТИ

8500 дан зиёд хитойлик Парижда намоийш уюштирди. АФР хабарига кўра, полиция кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланиб, намоийшчиларни тарқатиб юборди.

Полиция берган маълумотларга қараганда, намоийш хитойликларга ҳужум қилиш ҳоллари кўпайиб кетганлиги қарши норозилик билдириш мақсадида уюштирилган. Акция иштирокчилари мамлакат ҳукуматидан бундай жиноий хатти-ҳаракатларга қарши қатъий чоралар кўришни талаб қилдилар.

АФРнинг маълум қилишича, намоийшчилардан тахминан 50 киши бир гуруҳ ёшлар билан муштлашиб кетгунга қадар тадбир тинч

давом этаётганиди. Гувоҳларнинг айтишича, намоийшчилардан бирининг сўмчаси ўғирлаб қўйилгани муштлашиб бошлангичи сабаб бўлган. Шу боис воқеага полиция аралашиб, уч кишини ҳибсга олди ва намоийшчиларни тарқатиб юборди.

Полиция кўздан ёш оқизувчи газни ишга солган, намоийшчилар газга мининг, машиналарни ағдартунлар қилишди, атрофдаги кўчаларни бир неча соатга тўсиб қўйишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 26.01.2010 йилдаги № 1-08-сон ижро варақаси асосан 1997 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 30 P 5049 бўлган "Тикко" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 5 718 805 сўм.
 - 16.06.2009 йилдаги № 1-348-сон ижро варақаси асосан 1987 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 30 Z 4518 бўлган "BA3-21063" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 2 150 354 сўм.
 - 29.03.2010 йилдаги № 1-119-сон ижро варақаси асосан 1999 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 N 4939 бўлган "Тикко" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 4 902 169 сўм.
- Аукцион савдосига Оккупирон тумани СИБ томонидан Оккупирон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
- 09.04.2010 йилдаги № 343-сон ижро варақаси асосан 1997 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 069 BEN, бўлган "Тикко" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 1 213 860 сўм.
 - 09.04.2010 йилдаги № 342-сон ижро варақаси асосан 1997 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 301 EHN бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 7 278 745 сўм.
 - 13.01.2010 йилдаги № 53-сон ижро варақаси асосан 1995 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. X 622 FNM бўлган "Ваз-21060" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 3 203 645 сўм.
- Аукцион савдолари 2010 йилнинг 22 июль кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар ва автотранспорт воситалари 20 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 10 август кўни бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: DB 001 №000003.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Зангиота туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар нотариусининг 13.02.2010 йилдаги ижро хатига асосан, Зангиота тумани, Уртаовул қ.ф.й., Еллик кўчаси, 17-ўй манзилида жойлашган умумий майдони 282,44 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган, "Маиий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси" қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси - 69 967 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Табдиркорлик қўйилган! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 27 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни

сотиб олинган такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 17 август кўни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.kmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кўн қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талаб-

горлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида юқори ҳужжати рақами ва санагини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банк"нинг Савбон қ-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тушлари шарт. 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М. Уртаовул кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.kmb.uz. Лицензия: DB 001. № 000004.



